КЕКСА ПАХТАКОРЛАР ҒАЙРАТИ

БЕКОБОД районидаги 2-«Далварзин» совхозига қарашли бу звенонинг кенг пахта далаларини айланган киши ич-ичидан қувонади. Мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган бу тажрибали деҳқонлар ғайратига таҳсинлар ўқийди. Эгатларни яшартирган ғўза туплари барқ уриб ривожланяпти. Ниҳоллар беш-олтитадан шох чиқарган. Қатор ораларида бегона ўтларни кўрмайсиз. Ғўзалар ўз вақтида озиқлантирилиб, қондириб суғорилаётганлиги сабабли ҳам тез ҳосилга кирмоқда.

Звено даласида эртадан кечгача иш қизғин. Омилкорлар қатор ораларини чуқур чопиқ қилиб, ниҳоллар бағрини юмшатиб кетишяпти. Баъзилар эса сувталаб карталарга ариқ оляпти. Ғўзаларни культивация қилиш билан бирйўла сифатли озиқлантириб кетаётган дала гвардиячиларининг ғайратн ҳам бошқалардан қолишмайди.

Совхоз кексалари эрта кўклamда 23 гектар ерда деҳқончилик қилишган эди. Тўғри, звено ерлари унчалик кучли ерлар эмасди. Деҳқонлар ана шу камқувват ерларга қайта ишлов беришди. Нормадан кўпроқ ўғит солинди. Ер кафтдек текисланиб, сўнгра тупроққа барака уруғи ташланди.

Кексаларга тажрибали механизаторлар ёрдамга келишди. Экиш эрта ўтказилди. Ягана, дастлабки ишловнинг сифатига алоҳида эътибор берилди. Бу эса чигитнинг ердан тез униб, тез ривож олишини таъминлади.

Ишда пенсионер, тажрибали деҳқон Тошболта ота Отабоев, айниқса, ғайрат кўрсатди, кексаларни меҳнатда жасорат кўрсатишга даъват этди. Звено аъзолари июль ойини ҳосилга ҳосил қўшишда зарбдор ой деб эълон қилдилар ва шунга яраша шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) кекса пахтакор Тошмурод ота Абдураҳмонов, Тошболта ота Отабоев (звено бошлиғи), сувчи Фармонқул ота Рустамов ва механизатор Тожибой Ҳамидов ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 130 (4377).

1 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ДАЛА ШИЙПОНИ

Областимиз далаларида иш қизғин. Деҳқонлар пахта, дон, каноп, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, Ленин юбилейи йили топшириқларини муддатидан илгари ва ортиғи билан адо этиш учун курашмоқдалар. Ҳамма ерда ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Умумхалқ мусобақасида юз минглаб қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари актив қатнашиб, моддий бойликлар етиштиришни тобора кўпайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Давлат планлари ва зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда дала шийпоналарида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳамияти гоят каттадир. Дарҳақиқат дала шийпони — деҳқоннинг иккинчи уйи. У умумли меҳнатдан сўнг шийпонига йўл олади. Дала шийпонида деҳқоннинг хордиқ чиқариши учун ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилган бўлса, унинг кўнгли чоғ. демак, меҳнати унумли бўлади.

Областимиздаги колхоз ва совхозларда 1400 га яқин дала шийпони бор. Айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги мавсумга уз вақтида шайлаб қўйилди. Партия ташкилотлари дала шийпонларини намунали қилиб жиҳозлаш, колхозчилар ва совхоз ишчилари учун барча маданий-маиший шароитларни яратиш, дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантириш учун зарур тадбирларни амалга оширдилар. Турли темаларда суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар бу соҳада партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Бўка район партия ташкилотининг бу соҳада тўплаган тажрибаси диққатга сазовордир. Бу районда май ва июнь ойларидаёқ деярли барча дала шийпонлари ремонтдан чиқарилди. Кўпгина бригадаларда эса янгидан қурилди. Улар соя-салқин ерларда жойлашган, турли хил плакатлар ва шиорлар билан безатилган, душ қурилмалари бор, газ плиталари ўрнатилиб, болалар боғчалари ва яслилари ташкил этилган. Кўчма савдо хизматидан деҳқонлар баҳраманд бўлмоқдалар. Оддий спорт майдончалари пахтакорлар хизматида. Сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар тушки дам олиш пайтларида КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланиб ўтказилган кўшма тантаналн мажлиси материалларини, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини кенг тушунтирмоқдалар. Бир сўз билан айтганда бу райондаги аксарият колхоз ва совхозлардаги дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишлар марказига, деҳқонларнинг севимли оромгоҳига айланиб қолган.

Лекин барча район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳам дала шийпонларининг ролига етарли баҳо бермоқдалар, деб айтиб бўлмайди. Айрим жойларда оммавий-сиёсий ишлар кучайтириб юборилмаётир. Бу гаплар хусусан, Оққўрғон районига тааллуқлидир.

Бу районда кўнгина дала шийпонлари ҳозиргача ремонтдан чиқарилмаган. Кўргазмали агитация материаллари, ҳар хил шиор ва плакатлар, хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирувчи диаграммалар билан безатилмаган. Газета ва журналлар ўз вақтида келтириб турилмайди. Механизаторлар ўртасида турли темаларда тезтез суҳбатлар ўтказилмайди. Деҳқонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмаётир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришга хотин-қизларимизнинг қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир. Колхоз ва совхозларда хотин-қизларнинг активлигини ошириш ва уларнинг ҳар бир соҳада унумли меҳнат қилишларини, ташаббус кўрсатиб ишлашларини таъминлаш учун барча шароитларни яратиб бериш, шу жумладан, болалар муассасалари ишини ҳар томонлама жонлантириш талаб этилади. Лекин афсуски, кўпгина дала шийпонларида яслилар, болалар боғчалари ташкил этилмаган. Қишлоқ меҳнаткашларига савдо ва медицина хизмати кўрсатиш ҳам талабга жавоб бермайди. Бу жиҳатдан Бекобод районн партия ташкилотлари ҳам қониқарли иш олиб бормаётирлар.

Ҳозир пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашда ҳал қилувчи дамлар бошланди. Бундай кезларда дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни кенг қўламда кучайтириш айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга эришиш керакки, ҳамма ерда дала шийпони соя-салқин ерда жойлашган бўлиши, дид билан безатилиши, боғча ва яслилар ишлаб туриши, деҳқонлар учун маданий-маиший ва савдо ҳамда медицина хизмати яхши йўлга қўйилган бўлиши зарур. Дала шийпонларида олиб бориладиган идеология ишларининг барча форма ва воситалари механизаторларнинг куч-ғайратлари, ташаббусларини беш йилликнинг сўнгги йили давлат плани ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга ва ортиғи билан адо этилишига буйсундирилиши зарур. Дала шийпонларида оммавий-сиёсий темаларда суҳбат ўтказишга барча сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар билан бирга хўжалик раҳбарларини ҳам жалб этиш керак.

Партия ташкилотлари дала шийпонларида деворий газеталар ва «жанговар варақа»ларни ўз вақтида чиқариб турилиши, бригадалар, участкалар, бўлимлар, колхоз ва совхозлараро ўзаро социалистик мусобақани яхун қилиб туришга, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор берсинлар.

Мавжуд ҳамда янгидан қурилган дала шийпоналрини безаш ишини тезда тугаллаш зарур. Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш керак.

Дала шийпоналрида ҳаваскорлик тўгараклариннг чиқишларини, турли лекцияларни ташкил этиш, янги газета ва журналлар билан, турли хил адабиётлар билан таъмин этиш қишлоқ партия ташкилотларининг жонажон ишидир.

Шу билан бирга партия ташкилотлари дала шийпонлари фаолияти устидан доимо назорат қилиб боришлари керак. Ҳамма ерда тайёр деб топилган дала шийпоналрини қабул қилиб олиш юзасидан комиссиялар ташкил этиш, энг яхши дала шийпонлари кўригини йўлга қўйиб, оммавий-сиёсий ишларни ҳар томонлама кучайтираётган партия ташкилотлари тажрибасини оммалаштириб бориш керак. Ана шунда дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишларнинг чинакам марказига айланади.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

30 июнда Москвада Катта Кремль саройида еттинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг еттинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10. Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, шунингдек РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси ва раис ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг аъзолари, Россия Федерацияси ҳукуматининг аъзолари президиумга чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни давомли қарсаклар билан кутиб олишди.

Сессияни РСФСР Олий Советининг раиси депутат М. Д. Миллиошчиков очди.

Кўйидаги масалалар сессия муҳокамасига тақдим этилди:

1. РСФСР маҳаллий саноатининг иши тўғрисида.

2. РСФСР ер кодекси лойиҳаси тўғрисида.

3. РСФСР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

РСФСР Маҳаллий саноат министри В. К. Успенский кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад қилди.

(ТАСС).

ҲОСИЛ ПАРВАРИШГА БОҒЛИҚ

Саратоннинг иссиқ кунлари ўтиб турибди. Пахтазорлар кун сайин яшнаб, ғўзаларнинг бўйинга-бўй қўшилаяпти. Миришкор деҳқонлар шу долзарб кунларда ғўзаларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Эгинни озиқлантириш, суғориш, культивациялаш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун бутун имкониятларни ишга солишмоқда.

Пахтадан мўл ҳосил кўтариш парваришга боғлиқ эканини яхши билган бригадамиз деҳқонлари ҳам дала ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Деҳқон, механизатор ва сувчи парваришни сифатли ўтказиш, ғўзаларнинг шонасига-шона, гулига гул қўшиш учун эртаю-кеч астойдил тер тўкмоқдалар.

Бизга қарашли экин майдонларининг асосий қисмини захкаш, ерости суви яқин жойлар ташкил этади. Бу майдонларда ғўзаларни парваришлашда агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Баъзи майдонларда тупроқда нам кўп сақланиб, ғўзалар узоқ муддатгача сув талаб қилмайди. Бундан майдондаги ғўзаларни суғоришда экинининг сувга бўлган талабига қараб иш кўриш керак. Акс ҳолда мўлжалдан ташқари суғорилган майдонлардаги ғўзаларнинг ривожига путур етади.

Биз ғўзаларни суғоришда ана шуларга катта эътибор бермоқдамиз. Бундай майдонлардаги ғўзаларга одатдагидан бир-икки марта кам сув берилади. Ҳозирги кунда бизга қарашли майдонлар бир текис сувдан чиқарилди. Сувчилар ўз ишини сидқидилдан бажараётганликлари туфайли пайкалларидаги ғўза сувдан кейин бир текис гулга кирди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 4-5 тадан шона, икки-учтадан гул бор.

Пахтакорларимиз бу йил биринчи марта барча майдонларга кенг қаторлаб чигит экдилар. Пайкаллардаги ғўзалар тўртинчи марта ишловдан чиқарилди.

Ғўзаларни ўз вақтида озиқлантириш мўл ҳосил гарови эканлигини пахтакорларимиз яхши билишади. Шунинг учун ҳам пайкаллардаги ғўзаларни озиқлантиришда тупроқ структурасига катта эътибор берадилар. Майдонлар тупроқнинг ҳосилдорлик даражасига қараб озиқлантирилади. Биз йиллик минерал ўғитнинг 70 процентини шу ой ичида берамиз. Бу тажриба яхши натижалар бермоқда. Ғўзалар тез ривожланиб ҳосил шохлари эрта чиқмоқда.

Деҳқонларимиз тўлиқ гектар, тўлиқ кўчат учун эрта баҳордан бери астойдил курашмоқдалар. Механизаторларимиз ғўзаларни культивация қилиш пайтида кўчатларга ниҳоятда эҳтиёт бўлишади. Шунинг учун ҳам гектарларда белгиланган миқдорда кўчат ўстирилмоқда.

Бригадамизга қарашли барча звеноларда ҳар бир туп ғўза учун унинг ҳосилдор бўлиб етилиши учун курашилмоқда. Майдонларни культивация қилиш, чопиқ ўтказишда экининг ҳолатига қараб иш тутилади. Унинг нормал ривожланиши учун етарли шароит туғдирилади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдамиз.

Қишлоқ хўжалиги учун анча ноқулай келган ўтган йилда ҳам пахтакорларимиз астойдил меҳнат қилиб ҳар гектар ердан 28 центнер ўрнига 30 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олдилар. Пахтакорларимизнинг бу йилги мақсад ва интилишлари янада юксак. Улар 50 гектар пахта майдонидан 140 тонна ўрнига 175 тоннадан ортиқ «оқ олтин» олишга қатъий аҳд қилганлар.

Пахта пайкалларида яхши ният билан тер тўкаётган деҳқонларимизнинг шу кунлардаги меҳнати мажбуриятга яраша бўлмоқда. Улар ўз зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этадилар. Ғўза парваришида барчага намуна бўлаётган тажрибали деҳқонлардан Норқул Сулаймонов, Мусурмон Тўраев, Сайдиғани Холбоевлар шу кеча-кундузда астойдил ғайрат кўрсатишмоқда.

Бригадамиз деҳқонлари пахтачилик билан бир қаторда луб етиштиришга ҳам катта эътибор беришмоқда. Лубкорларимиз беш йилликнинг сўнгги йилида 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 157 центнер ўрнига 200 центнердан олиб «кўк олтин» етиштириш йўлида жасорат кўрсатишмоқда.

«Кўк олтин» ниҳолларн экин парваришининг шу қизғин кунларида каноп кўчатларини агротехника қоидалари асосида парвариш қилишга жиддий эътибор бермоқдалар. Барча майдонлардаги каноп уч марта сифатли ишловдан чиқарилди. Йиллик ўғитнинг 70 процентн берилди.

Лубкорларимизнинг фидокорона меҳнати билан етиштирилаётган «кўк олтин» сифати йил сайин яхшиланиб, ҳосилдорлиги кўтарилиб бормоқда. Бу йил биз камида давлатга 869 тонна ўрнига 1162 тонна сифатли кўк поя етказиб берамиз. Ҳосилнинг ҳаммасини юқори сортларга топширамиз. Азамат лубкорларимиз ана шу ният билан пайкалларда меҳнат қилишаяпти. Ўз тажриба ва маҳоратларини тинмай ишга солмоқдалар.

Т. ХОЛМИРЗАЕВ,
Оққўрғон районидаги Дямитров номли колхознинг бригада бошлиғи.

А. ТЎРАЕВ,
звено бошлиғи.



Суратда: колхознинг илғор комбайнчиларидан Л. Ковальчук ҳамда ғаллачилик бригадасининг бошлиғи И. Эргашев ўр тоқлар ғаллазорда.

А. АБАЛЯН фотоси.

ДОНГА ТЎЛА АДРЛАР

Саҳий қуёш нурида олтиндек товланаётган бугдой бошоқлари шамолда аста тебраниб турибди. Бугдойзорларнинг поёни кўринмайди. Қир-адрлар бўйлаб чўзилиб кетган донга тўла адрлар...

Бошоқларнинг эгилиб туриши дон чўғининг мўллигидан дарак бериб турибди. Ана шу адрларга файз киритиб турган тилларанг бошоқларни бунёд этган кишилар Акмал Икромов номли колхознинг ғаллакорлари. Улар беш йилликнинг сўнгги якунловчи йилида 1006 гектар майдонга арпа ва бугдой экишган эди.

Бугун ғаллачилик бригадасининг ҳамма аъзоси далада. Улардан уч киши комбайнларни бошқараяпти. Бири эса комбайнлар ўриб янчиб берган донни хирмонга элтиб бермоқда. Ғаллачилик бригадасининг бошлиғи Иброҳим ака Эргашев ва колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Асқар Усаров иш бошида. Улар ўрим-йиғим ишларининг сифатли бажарилишини назорат қилиб туришибди.

Ўрта Чирчиқ районидаги бу хўжалик ҳали ёш. Эндигина мана шу ғаллазорлардан иккинчи марта ҳосил йиғиштириб олаяпти. Лекин коллектив илғор хўжаликлардан қолишмаслик учун курашмоқда. Ғалла ўрим-йиғимини группа усулда ўтказишаяпти. Бундай ишланганда ҳамма куч бир ерда бўлади. Бунинг устига ҳар бир комбайн учун алоҳида транспорт ҳам талаб қилинмайди. Комбайнчилардан Л. Ковальчук, А. Матқосимов, Т. Ҳайтбоев ўртоқлар учта улкан дон ўриш комбайнларини ёнма-ён қўйиб бошқаришаяпти. Зум ўтмай улар бункери дон билан тўлаяпти. Тўлаш Ашуров эса тележкага тўкилган донни хирмонга ташишга бир ўзи улгирмоқда. У 27—30 гектар майдондан йиғиштириб олинган галлани хирмонга тўкмоқда.

Экилган ғалла майдонининг 225 гектарини арпа ташкил қилади. Буни ғаллакорлар беш иш кунида ўриб олишга эришдилар. Ҳар гектар арпазордан 9—10 центнердан дон олинган бўлса, дастлабки ўрилган бугдойзорларнинг ҳар гектаридан пландагидан анча кўпроқ— 14—15 центнердан дон олинмоқда.

Колхоз ғаллакорлари ҳамма майдондаги ғаллани узоги билан 20 иш кунида ўриб-янчиб олишга сўз беришган. Шу кунларда далада ишлаётган ҳар бир комбайн билан нормадаги 8 ўрнига 10 гектарга яқин майдондаги ғалла ўриб олинмоқда. Шу кунгача ғаллачилар 600 гектар майдондаги бугдойни ҳам йиғиштириб олишди.

— Биз,— дейди колхоз ғаллачилик бригадасининг бошлиғи И. Эргашев,— давлатга 750 тонна дон сотишни планлаштирган эдик. Лекин биз далаларда етиштирган ҳосилни чамалаб кўриб 800 тонна дон сотиш мажбуриятини олганмиз. Бундан ташқари 150 тонна сифатли уруғлик ҳам экмагаришимиз керак.

Бригада аъзолари бугдой ўриш ишларига энди гина киришишди. Ишнинг бошланиши ёмон эмас. Ғалла сифатли ва тез ўриляпти.

Колхоз правлениеси ғаллакорларга янада унумли ишлашлари учун, ҳамма техника воситаларидан имкони борича унумлироқ фойдаланишлари учун барча тадбирларни яратиб берган. Кўчма устахона ҳам комбайнчилар ишлаётган ғаллазорнинг ёнгинасида. Комбайнларнинг бирорта қисми ишдан чиқиб бузилиб қолса, орадан 5—10 минут ўтмай, у алмаштирилади. Ғаллакорларга иссиқ овқат ҳам шу ерга келтириб берилмоқда. Шу боисдан ҳар бир комбайнчи белгилангандан анча кўпроқ майдондаги донни ўриб олишга эришмоқда.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА ЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 30 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

1-устун — районлар, 2-устун — ўриладиган майдон, 3-устун — ўрилган майдон, 4-устун — планнинг бажарилиш процентн.

Оржоникидзе	490	490	100,0
Калинин	5351	4241	79,3
Оққўрғон	2095	1507	71,9
Урта Чирчиқ	26597	15468	58,2
Бўка	9492	4965	52,3
Бекобод	5746	2705	47.1
Янгиюл	10647	4572	42,9
Юқори Чирчиқ	22131	5902	26,7
Бўстонлиқ	9651	318	3,3
Область бўйича	92200	40222	43,6

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ПИЧАН ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 30 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

Юқори Чирчиқ	44,6
Оққўрғон	39,0
Калинин	33,8
Бўка	32,0
Янгиюл	31,2
Оржоникидзе	27,4
Урта Чирчиқ	25,0
Бекобод	23,7
Бўстонлиқ	21,3
Область бўйича	30,8

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ДАВЛАТ НАРХ-КОМИТЕТИДА

СССР Министрлар Советининг давлат нарх-комитети маълум қиладики, 1970 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

— Шампан виноси ва коньяк, ёғоч-тахта материаллар ва дераза ойнасининг давлат чакана нархлари оширилади;

— кинескопининг ўлчами диагонали бўйича 35 сантиметрдан 47 сантиметргача бўлган барча маркалардаги телевизорларнинг, эркаклар, хотин-қизлар ва болаларнинг капрондан тўқилган пайпоқларининг ва эластик ипдан тўқилган пайпоқларининг, импорт капрон трикотаж газламадан тикилган эркаклар кўйлагининг ҳамда суюқ ва пастасимон синтетик кир ювиш воситаларининг давлат чакана нархлари арзонлаштирилади.

КУТУБХОНА БАЙРАМИ

Ўзбекистоннинггина эмас, балки бошқа қардош республикаларнинг ҳам неча минглаб хилма-хил касб эгалари Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат кутубхонасида мутолаа қилган кунларини доим эсда тутадилар. Улар бу ерда қимматли, нодир китобларни ўқиб, камолотга эришдилар. Ильич жуда катта эътибор берган кутубхоначилик ишининг самараларини татиб кўрдилар.

Шунинг учун ҳам республикамиз бу кутубхонанинг шонли санасини зўр тантана билан нишонламоқда. Китоб саройи ташкил этилганига роса юз йил тўлди.

30 июнда ишлаб чиқариш новаторлари, илмий ходимлар ва студентлар, маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари шонли юбилей тантаналарида қатнашиш учун А. Навоий номли театрга тўпланишди.

Ўзбекистон Компартиясн Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиумн ва Министрлар Совети номидан ана шу кекса маданий-оқартув муассасасининг ходимларини самимий табриклади. Р. Н. Нишонов юбилей муносабати билан берилган мукофот — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғини кутубхона коллективига топширди.

(ЎзТАГ).

МАКТАБ ИШИ — ҲАММАМИЗНИНГ ЖОНАЖОН ИШИМИЗ

(Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессиясидан)

Илгари хабар берганимиздек, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан область мактабларида умумий таълим ишларини янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Бу масала юзасидан область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. А. Раҳматхўжаева доклад қилди. Халқ маорифи бўйича доимий комиссия раиси С. П. Пўлатов шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди.

—КПСС XXIII съезди қарорларида кўрсатиб ўтилган халқ маорифи ва маданий қурилиш ишларини янада ривожлантириш вазифалари,—деди нотиқлар мураффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Областимиздаги халқ маорифи органлари айниқса кейинги йилларда партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг яқиндан кўрсатиб келган ёрдами туфайли мактаблар тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширишди. Ҳозир областимизда 793 та мактаб, бошқача қилиб айтганда ўтган уч йилдагига нисбатан 91 та кўп мактаб ишлаб турибди. Бу мактабларда 376 мингдан ошиқроқ болалар ўқимоқда. Мактаб-интернатлар, куни узайтирилган группаларнинг тармоқлари ҳам кенгайиб бормоқда. Мактаблар янги ускуналар, кўргазмали ўқув қуроллари билан тўлдирилди.

Кейинги уч йил давомида халқ маорифи ишини янада яхшилаш мақсадида маҳаллий Советлар томонидан 175 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, ана шу кўрилган амалий тадбирлар натижасида мактабларда ўқув-тарбия ишлар даражаси анча ошди. Мактабларда янги программа ва ўқиш тартибини ўтказиш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу соҳада айниқса Чирчиқ, Олмалиқ, Калинин ва Янгийўл районларидаги мактабларда катта ишлар қилинди. Янгийўл районидаги 2-мактабнинг ўқитувчиси К. Бегматов, Чирчиқ шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Т. Лукьянова, Калинин районидаги 26-мактабдан Н. Носиров, Олмалиқ шаҳридаги 16-мактабдан М. Лизогуб ўртоқларнинг янги программа соҳасида тўпланган бой тажрибалари ҳартомонлама ёйиш ва ўргашишга арзийди.

Мактаб ўқувчиларини ғоявий ва назарий жиҳатдан тарбиялаш, уларда коммунистик эътиқод ва юксак маънавий фазилатларни шакллантириш форма ҳамда методлари тобора такомиллашиб бормоқда. Бу метод, айниқса, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейига тайёргарлик даврида янада кенг қулоч ёзди. Ўқувчиларнинг совет халқининг революцион ва меҳнат шуҳрати жойлари бўйлаб Бутуниттифоқ сафари ва Бутуниттифоқ «Зарница» ҳарбий ўйин кўригида иштирок этиши катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Бу ўйинларда актив иштирок этган областимиздаги кўпгина мактаб коллективлари ёшларни тарбиялашда яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Область мактабларида ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Бу соҳада Ғазалкент шаҳридаги 2-мактаб коллективи катта тажриба тўплади. Мактаб ўқитувчиларининг санъатга бўлган қизиқишини янада ошириб юборди.

Ўқувчиларга сингдирилаётган меҳнат тарбияси педагогикада алоҳида ўрин эгаллайди. Шу жиҳатдан ҳам ўрта мактабларни битирганларнинг учдан иккитаси ҳар йили областимиз халқ хўжалигида ишлаётган кишилар сафини тўлдириб келмоқда.

Айниқса, қишлоқ мактабларининг меҳнат фаолиятини такомиллаштириб боришда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари муҳим роль ўйнамоқда. Бу метод ўқувчиларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш қобилиятини оширади, уларнинг активлигини ,ташаббускорлигини ривожлантиради, қишлоқ хўжалик мутахассислигига бўлган қизиқишини мустаҳкамлайди. Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон ва Бўка районларидаги 15, 17, 6 ва 69-мактаблар ишлаб чиқариш бригадаларида бу иш, айниқса, яхши йўлга қўйилган.

Областимиздаги бир қатор мактабларда ўтган йилдан буён автомобиль, трактор ҳамда пахта териш машиналарини ҳайдашга ўргатилмоқда. Бундай мактаблар сони кейинги йилларда анча кўпайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ёш авлодни мустақил хаётга, меҳнатга, кейинчалик ўқишни давом эттириши учун пухта тайёргарлик кўриш, маънавий чиниқтириш имконини беради.

Сессияда шу билан бирга область мактабларида тарбия ҳамда ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам қайд қилиб ўтилди. Шуни алоҳида уқтириб ўтиш керакки, областда ҳалига қадар саккиз йиллик ёки ўрта маълумотга эга бўлмаган. ёки ўқишга жалб этилмаган ёшлар ҳамон учрайди. Баъзан ўқишга жалб этилган ёшларнинг айримлари мактабни ташлаб кетиб қолмоқда. Масалан, 1961—62 ўқув йилларида биринчи синфга қабул қилинган 7063 ўқувчи, шу жумладан 552 маҳаллий миллат қизлари саккизинчи синфни тугатмай мактабни ташлаб кетган. Бу соҳада Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ва Калинин районларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, кишини қониқтирмайди.

Бундан ташқари бир қатор мактабларда ўқитиш, тарбиялаш процесслари ҳам ҳозирги кун талаблари даражасида йўлга қўйилмаган. Натижада ўқувчиларнинг билим савиялари ўтилган программа талабидан паст бўлиб қолмоқда. Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Ўқитиш ишлари савиясининг бунчалик пасайиб кетганлигининг биринчи сабаби баъзи ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий жиҳатдан бўшлиги ва методикани яхши ўзлаштириб олмаганлигидадир. Ана шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг билим бериш масъулиятини ҳардоим ошириб боришимиз, ўзига нисбатан талабчанликни кучайтиришни талаб этишимиз лозим.

Очиқ айтиш керакки, областимиздаги кўпгина мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар тажрибали педагог кадрлар билан мустаҳкамланмаган. Бунда асосан шаҳар ва район ташкилотларининг халқ маорифи ходимларига уй-жой ҳамда маиший шароит яратиб бериш йўлида етарли ғамхўрлик кўрсатмаётганликлари салбий таъсир этмоқда.

Тўғри, кейинги йилларда мактабларнинг моддий базаси анча мустаҳкамланди. Лекин шунга қарамай, баъзи мактабларнинг базалари ёшларни замон талаби даражасида ўқитиш ва тарбиялаш ишига етарли жавоб бермайди. Ҳамма мактабларда ҳам ўқув кабинетлари ва устахоналар мавжуд деб айтолмаймиз. Ўқувчиларга медицина хизмати кўрсатиш, мактабларда иссиқ овқатлар ташкил этиш, оталар комитетлари ва педагогик билимларни пропаганда қилиш соҳасида ҳам қатор камчиликлар мавжуд.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан Калинин район ижроия комитетининг раиси **Б. С. Тошхўжаев**, Чирчиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси **В. А. Ларин**, Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг раиси **Ғ. А. Цой**, Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири **Т. Абдураимов**, Ангрен ГРЭСи партия комитетининг секретари **В. П. Пчелов**, республика Маориф министри вазифасини бажарувчи **С. Г. Романов**, Тошкент область комсомол комитетининг секретари **О. У. Исҳоқов**, Тошкент область Совети ёшлар иши бўйича доимий комиссия раиси **О. Ҳ. Абдуллаева** ўртоқлар юқорида қайд қилиб ўтилган камчиликларни қандай тугатиш, умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан область мактабларида умумий таълим ишларини янада яхшилаш билан боғлиқ қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Сессияда Тошкент область ижроия комитетининг раиси **Э. Т. Шайхов** сўзга чиқди.

Сессия шунингдек Тошкент область 1969 йилги ва 1970 йилнинг биринчи ярим йиллиги бюджетининг бажарилишини ҳам муҳокама қилди. Бу масала юзасидан область молия бўлимининг мудири **Я. К. Эльчибеков** доклад қилди. Область Совети молия-план доимий комиссиясининг раиси **В. М. Муҳамедов** қўшимча доклад қилди.

Область Совети коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи ҳам эшитилди. Бу ҳақда шу комиссиянинг раиси **В. И. Рибалко** ҳисобот берди.

Область Советининг XII чақириқ V сессиясида депутатлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши ҳақида сессия қатнашчиларига область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Н. И. Белоусов** ахборот берди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия депутат **Ш. Н. Зулфиқоровнинг** талаби билан область ижроия комитетининг раиси **Э. Т. Шайховнинг** қишлоқ хўжалиқ бўйича биринчи ярим йилликда қилинган иш якунлари тўғрисидаги ахборотини иноботга олди.

ЗАВОДЛАР ҚУРАЁТГАН ЙИГИТ

(ЛАВҲА)



...У билан Олмалиқ кимё заводида илк бор учрашган эдик. Сочлари пешонасига ёйилиб тушган, кўзлари ўйчан ва ақлли боқувчи бу йигит боцқа қурувчилардан яққол ажралиб турарди. У ишга ҳаммадан кўпроқ жон куйдириб юрар, дамба-дам юзига оқиб тушаётган терларини енги билан сидириб қўярди.

Пешонасига «2-участка» деб ёзиб қўйилган мўъжазгина хонада у билан бирозгина суҳбатлашдик, холос. У жуда кам-гап йигит экан: саволларимизга қисқа-қисқа жавоб берар, биз билан суҳбатлашаётган бўлса ҳам, вужуди гўё қурилишга ошиқаётгандай объектга деразадан тезтез нигоҳ ташлаб қўярди. Аммофос ва экстракция цехлари қурилишида Зайни участкаси аъзолари кўп марта пешқадамликни эгаллашди. Бунда, шубҳасиз, унинг ҳиссаси катта бўлди.

— Зайни!

У бизни бир зум танимади, шекилли, ҳайрон бўлиб тикилди. Кейин юзига ёруғ табассум ёйилди.

— Яна зарбдор объектга ўтибсиз-да?

— Бўлмасам-чи!— деб қувноқ жавоб берди у,— бошқарма қаерни лозим кўрса, шу ердамиз.

Зайни рух заводи қурилиши кундан-кунга тезлашаётганини, бу суръат кимё заводи қурилишидан қолишмаслигини айтди. «Электромонтаж» бошқармаси коллективи ишлаётган участкага ўтдик. Зайни Файзиев прораблик қилаётган участкада айни дам олиш пайти экан. Монтажчилар эндигина овқатланиб бўлишган, баланд бино соясида қалдирғочлардай тизилишиб бафуржа папирос тутатишарди. Бунинг ҳам гашти бор. Баъзилар ҳазиллашар, қай бирлари ўйга толган.

— Бизга етиш учун яна бир терлашингиз керак,— электромонтажчилар бригадаси бошлиғи Карим Абдуллаев мусобақадоши Наримон Бекировга ҳазиломуз гап қотди.

— Ҳа, хўп, аввал ишқорлаш цехидагилардан сўранг,— ҳазилга ҳазил йўқроқ Наримон қизариб деди,— гап сонда эмас, сифатида!

— Абдуллаевчилар иккаласини ҳам қойил қилишяпти,— гапга қўшилди Зайни, сўнг бизга изоҳ берди:— бу ерда ҳазиллашиб, «абдуллаевчилар, бекировчилар, метришкинчилар», дейишади. Уч азамат бир-бирининг жиғига тегишни жуда яхши кўришади-да.

Прораб илғор қурувчилар билан ҳам таништириб қўйди:

— Мана, Мирҳамид шоввоз, ёнидагиси Болтабой толмас, Роман меравой, ҳу, келаётган Олечка.

— Қандай илиқ, самимий сўзлар! Бу азаматлар учун бундан ортиқ яна қандай таъриф керак! «Тургунбоев, Ҳолиқов, Галимов, Кузнецова ўртоқлар участкамизнинг машъал бинокорлари» деб таърифлашнинг нима ҳожати бор?

Ишқорлаш цехида чиндан ҳам фидокорона меҳнат қилаётган 17 азаматга чиройли номлар топиб қўйган Зайнига, балли!

Кечгача қурилиш бағрида бўлдик. Прораб ўз иши билан, биз ўз ҳаёлимиз билан бандмиз. Беш қаватли бинонинг сўнгги қаватида ишлаётган монтажчилар Зайни участкасининг аъзолари эди. Автомашина, кранлар ҳаракати бир зум тинмайди. Юқоридан металларни пайвандлаш пайтида яллиғланган учқунлар сочилади, аммо пастга тушишга улгурмай ўчади. Пайвандчилар кўплигидан гўё юқоридан мушаклар танимсиз отилаётгандай туюларди. Ҳа, бунинг ҳам ўзига яраша сурури бор. Бу худди қурувчилар сафар арафасида бораётган салютга ўхшарди.

Кечга яқин курилиш майдони бироз тинчиб қолди. Смена алмашадиган вақт яқинлашган эди. Қурувчилар кун бўйи анча толиққан бўлсалар ҳам бу унчалик сезилмас, самарали меҳнат натижаси уларнинг чеҳраларига табассум қўндирган эди.

Шу пайт Зайни участканинг кичик бир биносида қулоғига трубка тутган, кимгадир рапорт берарди:

— Электр асбоб-ускуналари қўлдан чиқарилди. Кўприк кранларини пайвандлаш, кабель қўйиш ишларини, хуллас, зиммадаги топшириқни 20 июнга адо этамиз. Ҳа, ишонаверинг.

Ёш прорабнинг шу билан иш куни тугади, деб ўйлайсизми? ...У қурилиш майдонини яна бир бор кўздан кечирди-да, политехника институтига йўл олди. Ҳа, у тўрт йилдан буён шу тарада ишлаб келяпти. Кундузи қайноқ меҳнат қучоғида жавлон уради, ишдан сўнг эса қадрдон институт томон ошиқади. Ҳозир у электрлаштириш ва автоматлаштириш факультетининг бешинчи курсида.

Зайнининг хаёлини йўл-йўлакай курс иши мавзуси эгаллади. У «Маъдан конларини очиқ усулда қазиб чиқариш технологияси» мавзусидаги курс ишини якунда топширган эди. Энди у «Автоматлашган электрик ҳаракатга келтиргич» мавзусида иккинчи ишини ниҳоясига етказишни ўйларди.

Неон нурлари билан чароғон факультет коридори ва заллари ишчи ва қурувчи ёшлар билан тўлган эди. Охирги курс талабалари чеҳрасидаги қувончни сезиб олиш қийин эмас. Ахир, сўнгги довондан ошиш кимни қувонтирмайди, дейсиз! Зайни декция бошланмасдан аввал доцент Алексей Иванович Керрига учрашди. Курс иши ҳақида ундан-баъзи кўрсатмаларни олди-да, эртагаёқ тугаллашни айтди.

Ўқиш тез ўтади. Курсдошлар ҳаёти, уларнинг қизиқчиликхаҳаҳалари, романтик хаёллар билан кўпинг бир зумда ўтганини ҳам сезилмай қолди.

...Ойдин кечада бутун борлиқ тинч ором оларди. Фақат узоқ-узоқлардан корхоналар овози келиб турар, тўлин ой тобора уфқ қошига силжиб бормоқда. Зайни уйғоқ, унинг ишини олисдан, очиқ деразадан кузатаётган ой ҳам уйғоқ эди. Ниҳоят, йигит курс ишига сўнгги нуқта қўйди. «Автоматлашган электрик ҳаракатга келтиргич». Бу мавзуга бевосита ўз тажрибасидан келиб чиқиб ёндошгани учун ҳам яш анча осон кўчди...

Эрталаб бу хушхабарни дўстларига етказганда уни яна бир янгилик билан қутлашди. Кечаги иш якунига кўра унинг участкаси аъзолари пешқадамликни эгаллашибди!

Ёш прораб Зайни Файзиевнинг бир куни ана шундай қувончли ўтди.

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЯНГИ МАЖБУРИЯТ

Ташаббуснинг қаноти бўлади деб бежиз айтишмайди. Областимиздаги қатор илғор саноат корхоналари кишилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва юбилей йилини янги ишлар кўрсаткичлар билан якунлаш юзасидан бошланган ташаббуслари барча коллективлар қатори бизнинг отрядда ҳам қизғин кутиб олинди.

Коллективимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб йиллик планни 7 ноябрга бажариш ҳақида зиммага янги мажбурият олди. Ташаббусга бажонудил қўшилди. Янги мажбурият коллектив ўртасида кенг муҳокама қилинди. Мавжуд резервлар ва имкониятларнинг қидириб топиш ва улардан фойдаланишни таъминлаш имконини берадиган тадбирлар белгиланди. Ишчи-хизматчилар ўртасида социалистик мусобақа янги куч билан авж олиб кетди. Унинг оммавийлигига эришилди. Аксарият механизаторлар зиммаларига шахсий мажбуриятлар олишди.

Шуни қувонч билан қайд қилиш керакки, коллективимиз эл-юрт олдида берган ваъдасининг тўла уддасидан чиқмоқда. Планлар муттасил ортиғи билан адо этиляпти. Нормасини бажармаётган бирор ҳам механизатор йўқ. Илғор иш усулларини қўлланиш, машина-механизмлар қаровини яхшилаш, уларни вақти-вақти билан сифатли ремонтдан чиқариш меҳнатда эришаётган муваффақиятларимизнинг гарови бўлмоқда. Ҳар бир механизм маълум кишиларга биркитиб қўйилган. Улар агрегатнинг ҳолати учун тўла жавоб берадилар. Бу тадбирнинг самараси ёмон бўлмаяпти. Эгасизликка чек қўйилди. ишчилар машиналар қаровини яхши йўлга қўйишяпти, уларни ҳар доим ишга шай ҳолда сақлашяпти.

Шундай тадбирлар натижасида коллективимизнинг иш кўрсаткичлари ойдан-ойга ортиб боряпти. Ярим йиллик топшириқни салкам беш ойда муваффақиятли бажардик. Тежаб қолинган бир ой ичида эса қўшимча ўнларча минг сўмлик ишлар адо этилди. Коллективимиз эришаётган ютуқларда жуда кўп механизаторларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ўз касбини пухта эгаллаган, машина «тил»ини яхши биладиган меҳнатсеварларимиз номини зўр ҳурмат билан тилга олсак, киши. Қаҳҳор Абдуназаров, Боймирза Назарматов, Аширбой Болтабоев, Олишбой Алиев ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу азаматлар ўзларининг ҳалол ва сифатли меҳнатлари билан коллективимиз ҳурмат-эътиборини қозонишган, Уларнинг кунлик иш кўрсаткичлари 200 процент ва ундан ҳам ошиқроқни ташкил этмоқда.

Коллективимиз ўтган ярим йил мобайнида янги ерларни очиш ва капитал текислаш соҳасида каттагина ҳажмдаги ишларни амалга оширди. Бир қанча хўжаликларда янги ерлар тайёрланди. Қатор суғориш тармоқлари тартибга солинди, бетонлаштирилди. Райондаги «Коммунизм» колхозида 85 гектар янги ер очилди. Бу ер капитал текисланиб, фойдаланишга берилди. Бизнинг меҳнатимиз туфайли Ленин номли колхознинг экин майдони яна 45 гектарга кенгайди. Айни вақтда бир қанча суғориш тармоқларида дамбалар кўтарилиб, минглаб кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди. Ҳозирги вақтда Навоий номли колхозда яроқсиз ётган 50 гектар ерни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш мақсадида иш олиб боряпмиз.

Коллективимиз қўлга киритилган бу ютуқлар билан ҳеч вақт чекланиб қолмоқчи эмас. Чунки ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли адо этиш ҳар бир механизатордан ғайратшижоат билан ишлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам коллективимиз мусобақа байроғини янада бланд кўтаради, меҳнатда янги-янги зафарларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилади.

А. БОЗОРБОЕВ,
Бекобод райони «Узсельхозтехника» бирлашмаси механизациялашган мелиоратив отрядининг бошлиғи.

ХАЛҚ ОҚСОҚОЛИ

ИЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА

Ота ҳаёт бўлганида бугун 85 ёшга кирарди. Афсуски, аёвсиз ўлим уни орамиздан бевақт олиб кетган.

Республикамизнинг биринчи президенти Иўлдош Охунбобоевнинг порлоқ сиймоси ўзбек халқи қалбидан ҳеч вақт ўчмайди. Айниқса ота билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган кишилар хотирасида ота ўз халқига садоқатидан хизмат қилиш, коммунистик партия, коммунизм ишига чексиз садоқатли бўлишнинг ёрқин намунаси сифатида ўчмас из қолдирган.

Иўлдош Охунбобоев 1885 йили Марғилонда камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Жуда ёшлигиданоқ меҳнаткашлар билан текинхўр бойлар ўртасидаги нотенгликни ҳис эта бошлади, батрак, чоракор, қора ишчи бўлиб ишлади. Ҳаётнинг машаққатли, жабрли кунларини халқ билан бирга бошидан кечирди.

У 1921 йили коммунистик партия сафига кирди. Шундан кейин Иўлдош Охунбобоев ҳаётида янги давр бошланди. У ўзининг бутун кучи ва ғайратини, ёниб турган қалб ҳароратини халқ бахти-саодати йўлига бахшида этди.

Ўзбекистон Советларининг биринчи таъсис съезди (1925 йил, февраль) Иўлдош Охунбоевнинг Коммунистик партия ишига чексиз садоқати, омма орасидаги жуда катта обрўси ва ташкилотчилик қобилиятларини ҳисобга олиб, уни республика Марказий Ижроия Комитетининг раиси қилиб сайлади. Иўлдош Охунбобоев бу вазифада умрининг охиригача — 18 йил ишлади.

Отани республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, колхоз ва совхозларда, корхоналар ва зарбдор қурилишларда—ҳамма жойда яхши билишар, ҳурмат қилишарди. У ҳамма вақт ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг энг азиз меҳмони эди.

Ота чиндан ҳам халқ оқсоқоли, ҳамма ишга бош-қош раҳбар, бутун меҳнат фаолияти, куч-ғайрати халқ ишига бағишланган эди. Иўлдош Охунбобоев 1926 йили ер-сув ислоҳоти ўтказувчи Республика комиссиясининг раиси сифатида кенг миқёсда иш олиб борди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш бошланган биринчи кунларданоқ у деҳқонларни колхозларга бирлаштириш учун кураш олиб борган жонкуярларнинг бири бўлди. Иўлдош ота республикамизни индустрлаштиришда катта роль ўйнади, маҳаллий миллат вакилларидан ишчи кадрлар, техник ва инженерлар тайёрлаш учун олиб борилган катта ташкилотчилик ишларига бошчилик қилди.

Ўзбекистонда маданий революция ўтказиш, мактаблар, клублар, кино-театрлар, маданий-оқартув муассасаларининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда, ўзбек аёлларини озодликка чиқаришда, янгича турмуш ва социалистик муносабатларни қарор топтиришда катта хизмат кўрсатди.

Катта Фарғона канали қурилиши кунларида Иўлдош Охунбобоев қурувчилар орасида бўлиб, уларни фидокорона меҳнатга даъват этди. Унинг оташин нутқлари, шахсий намунаси қурувчиларни янги зафарларга чорлаб турди.

Отанинг халқ ва партия олдидаги хизматлари юксак қадрланди. У Ленин ордени ва икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Иўлдош Охунбобоев партия солдати эди. У ВКП(б) XIV, XV, XVI, XVII ва XVIII съездлари, умумпартия конференцияларининг делегати бўлди. Партия топшириғини ҳамиша садқидилдан бажарарди.

1941 йил декабрида Н. Охунбобоев Ўзбекистон меҳнаткашларининг фронтга борган делегациясига бошчилик қилди. Делегация жангчи ва командирларга ўзбек халқи номидан совға-салом олиб борди. Бироқ Иўлдош ота фашизм устидан қозонилган буюк ғалабамиз шодиёнасини кўра олмади. 1943 йилнинг февралида оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Иўлдош Охунбобоев ҳамиша омманинг ҳаётий манфаатлари, орзу-умид ва интилишлари билан яшади, кураши. Шу боисдан у халқнинг чексиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган эди. Ҳамма уни ўзига яқин олиб: «Ота» деб атарди.

Мен Иўлдош ота Охунбобоевнинг қўл остида етти йил ишлаш шарафига муяссар бўлганман. У билан бирга ишлаган ўртоқлар ҳали-ҳалигача отанинг донолиги, халқпарварлиги, сезгирлиги, камтарлиги ва меҳнатсеварлигини гапириб юришади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раисидек масъулиятли лавозимда бўлишига қарамай, ота аппарат ходимлари билан доимо юрақдан суҳбатлашар, оталарча ғамхўрлик қилар, республикамиз экономикасининг истиқболлари тўғрисида тўлиб-тошиб гапириб берарди. У кишилар билан суҳбатлашганда ҳаммавақт софдил, камтар бўлишни ўргатар, халқ бахт-саодати учун ҳалол ва фидокорлик кўрсатиб, меҳнат қилишга даъват этарди. Иўлдош отанинг ўзи худди ана шундай баркамол инсоннинг намунаси эди.



Суратда: Иўлдош Охунбобоев илғор чорвадорлар орасида. (Архив расмларидан)

Ажойиб коммунист, халқнинг содиқ фарзанди Иўлдош Охунбобоевнинг номи абадий тирик. Унинг ишлари давом этмоқда. Фарғонадаги районлардан бири, Оқтепа гидроэлектростанцияси, Тахтапулдаги шифохоналар шаҳарчаси, ёш томошабинлар театри, майдонлар ва кўчалар унинг номи билан юритилмоқда.

Ота орамиздан кеттанидан буён чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Ўзбек халқи шу муддат ичида тараққиёт йўлидан жуда илгарилаб кетди. Республикамиз меҳнаткашларининг турмуши фаровон ва гўзал бўлиб қолди. Халқимизнинг қўлга киритган барча ютуқларида, шубҳасиз, биринчи президентимиз Иўлдош Охунбобоевнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Чунки, у бугун ўз самараларини кўрсатаётган улкан режалар, иқтисодий ва маданий қурилишлар ташаббускори, илҳомчиси бўлган эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун умрини мамлакатимизда коммунизм учун кураш ишига бағишлаган атоқли революционер, давлат ва партия арбоби Иўлдош Охунбобоевнинг порлоқ сиймосини қалб тўрида абадий сақлайдилар.

М. ЁҚУБОВ.

СИЁСИЙ АХБОРОТ—ЖАНГОВАР, ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

ОБЛАСТИМИЗ меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари беш йилликнинг сўнгги — Ленин юбилейи йили топшириқларини муддатидан илгари бажарish, коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Одамларнинг куч-гайратини янгидан-янги резервларни ишга солишга жалб этаётган, янгиликларни, илғор иш усулларини кенг тарғиб қилаётган сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчилар тарбиявий, оммавий-сиёсий, ташкилий ишлар кўламини янада кенгайтиришда алоҳида роль ўйнамоқдалар.

Сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчилар партия ташкилотларининг энг яқин ёрдамчилари, таянчлари хизматини бажариб партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини кенг меҳнаткашлар оммасига етказмоқдалар. Бу билан улар беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажарилишига, халқ хўжалигини комплекс ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қуйида областимизнинг айрим колхоз, совхозлари, корхона ва муассасаларида меҳнаткашлар орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, ташкилий- тарбиявий ишлар, илғор сиёсий ахборотчилар иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

РАЙКОМ ТАДБИРЛАРИ

В. Ф. ЛИ.

Бўстонлиқ район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

БЎСТОНЛИҚ областдаги янги ташкил қилинган районлардан ҳисобланади. Район партия комитети дастлабки кунларданоқ КПСС XXIII съезди қарорларини бажара бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлган партиявий—сиёсий ахборотга катта эътибор бера бошлади.

Район партия комитети ўзининг бюро йиғилишларида партия ташкилотларининг сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчиларга раҳбарлиги масаласини тез-тез кўриб туради. Бу яхши самара бераётир. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари омма орасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар форма ва усулларидан самарали фойдаланмоқдалар. Энг аввало биз сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар ўқуви, уларнинг оммавий-сиёсий билим даражаларини оширишга катта эътибор бермоқдамиз.

Район партия комитети бюроси қарори билан сиёсий ахборотчиларнинг район Совети ташкил этилган. Бу Советга район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Раҳимбердиев, район партия комитетининг секретари Александр раҳбарлик қилади. Перспектив планга мувофиқ ҳар кварталда бир марта сиёсий ахборотчилар секцияси раҳбарлари билан ва ҳар ойда бир марта жойларда кўчма семинар ўтказилади. Бундай семинарлар яхши натижа бермоқда. Жумладан, Бурчмулла, Қўшқўрғон ва бошқа жойларда ўтказилган семинарларда партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим масалалар тўғрисида фикр алмашилди. Сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчилар бир-бирларига ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Ҳозирги кунда районда 865 сиёсий ташкилотчи, 270 сиёсий ахборотчи иш олиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги коммунист ва комсомоллардан иборат.

СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сиёсий ташкилотчилар ва сиёсий ахборотчиларнинг фаолияти янада яхшиланди. Жданов номли колхоздан К. Бурхонов, М. Қурбонов, Калинин номли колхоздан Х. Инкоров, И. Қўчқоров, У. Турдибоев, Фрунзе номли колхоздан Т. Содиқов, М. Шогалиев, Карл Маркс номли колхоздан Э. Туркменов ва бошқа ўртоқлар далачилик бригадалари, агитпунктларда тез-тез суҳбат ўтказдилар. Улар томонидан «Совет сайлов системаси—дунёда энг демократик система», «Совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари» ва В. И. Ленининг фаолиятига бағишланган лекциялар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Сиёсий ахборотчилар ўз фаолиятларида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Улар лекция ва суҳбат ўтказишга пухта ҳозирлик кўрадилар. Маҳаллий турмушдан олинган фактлар мисолида ҳозирги кунда партия ва ҳукуматимизнинг меҳнаткашларнинг фаровонлиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини тушунтирадилар. Сиёсий ташкилотчилар бу соҳада партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Айниқса Фрунзе номли колхоз сиёсий ташкилотчиларининг иши самарали бўлмоқда. Улар қишлоқ маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар активлиги ва ташаббускорлигини ошириш соҳасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. О. Усипбоев, Д. Жабоев, О. Лесбоев, И. Е. Тешченко ва бошқа ўртоқлар колхозчиларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Карл Маркс номли, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозларининг партия ташкилотлари ҳам деҳқонлар ва чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчиларга таяниб яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳар бир бригаданинг конкрет шароити, одамларнинг истаклари ҳисобга олинган ҳолда лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда. «Ҳаётнинг пайдо бўлиши», «Янгича совет анъаналари», «Диннинг реакцион моҳияти» ва бошқа темаларда ўтказилган суҳбатлар деҳқонларга манзур бўлди.

Лекин сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар ишига раҳбарлик қилишда камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Айрим хўжаликларда сиёсий ахборотчилар қоғозда бор-у, амалда фаолият кўрсатмайдилар. Баъзибир жойларда эса сиёсий ташкилотчилар иши анализ қилинмайди. Улар фаолиятидаги ижобий томонлар нима-ю, камчиликлари нима—кўрсатиб турилмайди. Район партия комитети бу камчиликларни тугатиш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга оширмоқда.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

З. ШИРШОВА,

Чирчиқ электрохимия комбинати сиёсий ахборотчиси.

ДОҲИЙМИЗ В. И. ЛЕНИН туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш даврида халқимиз ижодий активлиги яна ҳам ошиб кетди. Бу омма орасида олиб борилаётган сиёсий ва тарбиявий ишлар самарасидир албатта.. Дарҳақиқат сўнгги йилларда сиёсий ахборотнинг аҳамияти анча ошди.

Буни корхонамиз партия комитети ҳам яхши англаб сиёсий ахборотни намунали йўлга қўйиш ва меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бераяпти. Ҳамма жойда бўлгани каби бизда ҳам сиёсий ахборотчилар ишни тўрт йўналишда олиб бормоқдалар. Лекция ва суҳбатлар кўпинча мамлакатимиз ички сиёсий ҳаёти, иқтисодий, маданий турмушдаги ўзгаришлар ва халқаро аҳвол мавзуларига бағишланмоқда.

Комбинат партия комитети сиёсий ахборотчиларни танлашга алоҳида эътибор берган. 122 сиёсий ахборотчининг кўпчилиги олий ва ўрта махсус маълумотга эгадир. Улар орасида бўлим, цех ва участка бошлиқлари, ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган мутахассислар бор. Партия комитети сиёсий ахборотчиларни муттасил равишда энг сўнгги янгиликлар билан таъминлаб турибди. Кутубхонада ва партия кабинетида сиёсий ахборотчига керак бўлган барча хил адабиётлар топилади.

Сўнгги пайтда бизда тажрибаси камроқ сиёсий ахборотчиларга ёрдам бўлсин деб олдиндан суҳбат тезислари тузиб қўйиш тажрибаси қилинмоқда. 301-цех сиёсий ахборотчилар группасининг раҳбари Н. Гузенко ҳар ойда партком билан ҳамкорликда ҳар бир сиёсий ахборотчи учун суҳбат мавзуини белгилайди. Суҳбат учун керакли бўлган адабиётлар рўйхатини тузиб қўяди. Бу усул маълум даражада тажрибасиз сиёсий ахборотчиларга тўғри йўналиш бераяпти.

Партия комитети айни пайтда сиёсий ахборотчилар ўқувини системали ташкил этишга ҳам аҳамият бермоқда. Партком ҳузурида сиёсий ахборотчилар учун ташкил этилган доимий семинар ишлаб турибди. Олдиндан тузиб қўйилган план асосида семинарлар ойда бир марта уюштирилади. Бундан ташқари сиёсий ахборотчилар ўзларини қизиқтирган саволларга консультациялар пайтида ҳам жавоб олдилар. Консультацияларни шаҳар партия комитетининг секретарлари А. Аникин, М. Савченко ўртоқлар, корхонанинг раҳбар ходимлари ўтказадилар. Тошкент политехника институтининг Чирчиқдаги кечки факультети ўқитувчилари ҳам консультацияларга таклиф этилади. Шаҳар экономикаси, маданияти ва маорифи ривожига оид чиқарилаётган махсус бюллетенлар сиёсий ахборотчиларга бой маълумотлар бермоқда.

Сиёсий ахборотчи мустақил равишда китоб, журнал ва газета устида ишламаса консультация ва семинарларнинг таъсири барибир кучли бўлмайди. Сиёсий ахборотчи тингловчилар билан бўладиган учрашувга ҳар томонлама тайёргарлик кўрган ҳолда келмоғи керак. Бу соҳада унга вақтли матбуот яқиндан ёрдам беради. Сиёсий ахборотчи ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган вазифаларни пухта англаган ва бу вазифаларни омма онгига етказа оладиган бўлиши керак.

Ҳозирги кунда сиёсий ахборотчи учун энг муҳим мавзу тежамкорлик масаласидир. КПСС Марказий комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тежамкорлик режимини кучайтиришга даъват этувчи хати сиёсий ахборотчи суҳбатининг марказида турмоғи лозим. Ҳар бир комбинат сиёсий ахборотчилари фақат цехларда эмас, шу билан бирга аҳоли яшайдиган уйларда ва маҳаллаларда ҳам суҳбатлар ўтказмоқдалар. Шаҳардаги кўпгина уйларнинг ҳовлиларида ёзги майдончалар ташкил этилган. Ахборот ва лекция ўқиш давомида кинофильмлар намойиш қилинади. Оммавий-сиёсий ишнинг бу формаси яхши натижалар бераяпти.

Кўриниб турибдики, Чирчиқ электрохимия комбинати сиёсий ахборотчилари омма орасида олиб борилаётган суҳбатлар таъсирини ошириш учун тинмай курашмоқдалар. Бу борада улар бир талай ютуқларни ҳам қўлга киритдилар. Оммавий-сиёсий ишлар яхшиланиб бораётганлиги учун ҳам корхонада ишлаб чиқариш топшириқлари муваффақиятли бажарилаяпти.

Комбинат партия комитети сиёсий ахборотчилар ишини янада яхшилаш учун курашиб ҳозир ўз диққат ва эътиборини планли асосда ва мунтазам равишда меҳнаткашларни янгиликлардан хабардор қилиб боришга, сиёсий ахборотчиларни муҳим ахборотлар билан таъминлаб туришга, уларни партия ишига садоқат руҳида тарбиялашга қаратмоқда. Шу мақсадда яқинда цех партия ташкилотлари секретарларининг йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишда сиёсий ахборотчилар ишини яхшилаш ва сиёсий ахборот савиясини ошириш масаласи муҳокама қилинди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхозда «Сиёсий ташкилотчи» деб номланган деворий газета мунтазам равишда чиқиб турибди. Газета саҳифаларида оммавий-сиёсий ишлар соҳасида тўпланган тажрибалар кенг ёритиб борилмоқда. Суратда: редколлегия аъзоларидан Х. Умурзоқов (чапдан), Н. Эргашев ва Ю. Холбодтаев ўртоқлар деворий газетанинг навбатдаги сонини чиқаришяпти.

А. Абалян фотолари.

ХОТИН-ҚИЗЛАР АКТИВЛИГИ ОШМОҚДА

А. ХОЖИМИРЗАЕВ,

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз оммавий-сиёсий ишлар Советининг раиси.

ЭРИШАЁТГАН ютуқларимизда хотин-қизлар ҳиссаси беқиёсдир. Буни биз ўз хўжалигимиз мисолида кўриб турибмиз. Колхозимиз катта даргоҳ. Ҳар йили кўплаб пахта, сабзавот, полиз, мева ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб давлатга сотмоқдамиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва хўжалигимиз эришаётган ютуқлар кўламини кенгайтиришда хотин-қизларимиз алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар.

2018 колхозчидан 1052 киши хотин-қизлардир. 13 кишидан иборат хотин-қизлар Совети аёллар активлигини ошириш ва уларни фойдали меҳнатга сафарбар этишда катта роль ўйнамоқда. Аёллардан икки киши колхоз партия комитети ва бир киши район партия комитетига аъзодир. Совет ишини намунали олиб боришда Екутбон Рўзматова алоҳида жон койтираяпти. Совет аъзолари маълум соҳаларга бўлиниб хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқдалар. Бу соҳада уларга колхоз партия комитети яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда аёлларимиз ишлаб чиқариш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар. Хотин-қизлар орасида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларнинг депутатлари бор. Аёллардан 14 киши коммунист ва 50 киши комсомол аъзосидир. Улар ишлаб чиқаришни юксалтиришда алоҳида гайрат кўрсатмоқдалар. КПСС аъзолари Холисхон Маҳмудова, Юлдузхон Алиева ўртоқларнинг номларини колхозчилар ҳурмат билан тилга оладилар. Улар бу йил пиллачилик бригадаларига раҳбарлик қилиб пилла етиштириш планини шараф билан адо этдилар. Илғор пиллачилардан қишлоқ Совети депутатлари София Худойназарова, Каромат Холмирзаева, Адолат Ўринбоева, Хушрат Очилова ўртоқлар ҳар бир қути қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб пилла бердилар.

Колхоз правлениеси аёлларга яхши шароит яратиб берганлиги учун ҳам улар иши баракали бўлмоқда. Колхознинг бешта участкасида марказлаштирилган боқча-ясли ва дала шийпонларида кўчма яслилар ташкил қилинган. Оналарнинг кўнгли болаларидан тўқ. 200 дан ортиқ ўғил-қиз гамхўр тарбиячилар қўлида тарбияланмоқдалар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVIII Пленуми хотин-қизлар активлигини янада ошириш юзасидан муҳим қарор қабул қилди. Колхоз партия ташкилоти мана шу пленум қарори асосида ўз ишини ташкил этиб муҳим тадбирларни амалга оширмоқда.

Бу йил хўжалик олдида улкан вазифалар турибди. Аҳил коллектив 5500 тонна пахта, 220 тонна сут, 65 тонна гўшт, 200 тонна полиз, 150 тонна сабзавот ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилган. Бу улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш учун хотин-қизлар активлигини янада оширмоқдамиз. Аёлларимиз ғайрати ва кўпчилик меҳнати билан бу марраларнинг муваффақиятли эгалланишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Шу кунларда колхоз далаларида иш қизғин. Поёнсиз пахтазорлар оралаб сузиб юрган агрегатлар ҳайқириғи бир зум ҳам тинмайди. Сувчилар эгат бошида. Ҳамма-ҳамма беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажариш йўлида бор имкониятларни тўла ишга солаяпти.







ОБЛАСТИМИЗ колхоз ва совхозларида меҳнат қилаётган сиёсий ташкилотчилар меҳнаткашларнинг энг яхши сиёсий ташкилотчиларидан Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзолари З. Мўминов (юқорида чапдан), Ш. Жалолов ва шу райондаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси Т. Мадиёров ўртоқларни кўриб турибсиз.

ДЕҲҚОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

А. ТЕ,

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная Звезда» колхози партия ташкилотининг секретари.

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Полярная звезда» колхози партия ташкилоти оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйишда ибратли тажриба тўплаган. Хонадонларда сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бориш учун 87 сиёсий ташкилотчи ажратилган. Уларга 6163 киши истиқомат қилаётган 1140 хонадон бириктирилган. Сиёсий ташкилотчилардан 21 киши олий ва тугалланмаган олий маълумотли, 59 киши ўрта махсус маълумотлидир. Сиёсий ташкилотчиларни танлашда колхоз партия комитети уларнинг билимига ва сиёсий тайёргарлигига алоҳида эътибор берган.

Сиёсий ташкилотчилар орасида турли касб вакиллари бор. 25 қишлоқ хўжалиги мутахассиси. 7 ўқитувчи, 3 медицина ходими, 9 инженер ва техник шулар жумласидандир.

— Сиёсий ташкилотчилар ва сиёсий ахборотчилар Совети қарорига биноан барча хонадонларда колхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш 1970 йил плани ҳақида йил бошида қизиқарли суҳбатлар ўтказилди: Сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар янги йилнинг нақадар масъулиятли эканлигини колхозчиларга алоҳида уқдиришди. Зиммага олинган янги социалистик мажбурият ҳақида тушунчалар беришди.

Сиёсий ташкилотчилардан Х. Абдуқодиров олиб бораётган ишлар кўпчилик эътиборини қозонаяпти. У ўзига бириктирилган хонадонларда ойига 2—3 мартадан бўлиб колхозчиларни қизиқтираётган масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказиш билан бирга уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишади. Айниқса у ўзлаштирмовчи ўқувчилар устида алоҳида қайғираяпти. Педагоглар билан доимий алоқа боғлаб ўқувчилар учун керакли шарт-шароит яратиб беришга ҳисса қўшаяпти.

Сиёсий ахборотчи В. Ойпин ҳам колхозчилар ҳурмат билан қарши оладилар. У доимо янгиликлар излаб юради. СССР Олий Советига сайловлар арафасида совет демократиясининг тантанаси ҳақида колхозчилар билан бир қатор қизиқарли суҳбатлар ўтказди. Яқин Шарқ ва Ҳинди-Хитойда бўлаётган воқеалардан кўпчиликни хабардор қилди.

Сиёсий ахборотчилар партия ва ҳукуматимиз қарорларини пропаганда қилишда айниқса катта роль ўйнамоқдалар. Дала шийпонларида, ферма ва устахоналарда ўтказилаётган суҳбатлар мавзуи юбилей йилида хўжалик олдида турган вазифаларга қаратилмоқда. Шуниси қувончлики, бирор киши ҳам сиёсий ахборотни суҳбатидан четда қолмайди. Бордию, колхозчи шу куни суҳбатга қатнаша олмаса, кечқурун сиёсий ахборотчи унинг хонадонида бўлади. Кундуз куни ўтказилган суҳбатдан уни ҳам бохабар қилади.

Ҳозир колхозда 17 сиёсий ахборотчи оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш билан банд. Улардан 14 киши коммунист ва КПСС аъзолигига кандидатдир. Уч киши эса комсомол аъзосидир. Шуниси қувончлики, сиёсий ахборотчилардан 13 киши олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга. Улар дала шийпонларида, клубларда ва ўқув залларида бўлиб, кўпчиликни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Мамлакат ички ҳаётида ва ташқи дунёда рўй бераётган ҳар бир ўзгариш сиёсий ахборотчилар эътиборидан четда қолмайди. Апрель ойларида колхозчилар ўртасида Исроилнинг араб давлатларига нисбатан олиб бораётган агрессиясига оид суҳбатлар ўтказилди. Бу суҳбатларда салкам 500 киши қатнашди. Кейинроқ эса суҳбат мавзуи СССР Олий Советига бўладиган сайловларга кўчди. Эндиликда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарорлари омма ўртасида кенг пропаганда қилинмоқда.

Сиёсий ахборот — тарбиянинг янги формаси. Колхоз партия комитети қишлоқ шароитида сиёсий иш формаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш йўлларини изламоқда. Шу боисдан ҳам сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришга коммунистлар, комсомоллар билан бир қаторда партиясизлар ҳам кенгроқ жалб этилаётир. Жамоат ташкилотлари ҳисобланган касаба союз, хотин-қизлар Совети, ўртоқлик суди ўз таъсирини яна ҳам чуқурроқ ўтказаяпти. Бу тадбирларнинг ҳаммаси юбилей йили топшириғини мудатидан олдин бажариш имконини тугдирмоқда.



ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози дала шийпонлари тушки пайтлар пахтакор ва соҳибкорлар билан гавжум бўлади. Колхоз сиёсий ахборотчилари навбатма-навбат дала бошига чиқишиб колхозчиларни энг сўнгги янгиликлар билан таништириб боришмоқдалар. Суратда: колхознинг 4-бригадаси дала шийпонида навбатдаги суҳбат пайти.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



Рассом Н. Меламед пойтахтимиз меҳмонлари—Оренбург оперетта театри коллективининг томошаларида бўлиб бир неча сурат чизиб келди. «Сильва» спектаклида иштирок этувчи артистлар—РСФСР да хизмат кўрсатган артист П. Яновицкая—Сильва ролида, артист А. Шуригин — Эдвин ролида, Стаси—артист Е. Причек, Бони—артист А. Леман.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

МУСТАҚИЛЛИКДА ЎН ЙИЛ

Кеча Конго Демократик Республикасининг халқи мустақилликнинг ўн йиллигини зўр тантана билан нишонлади.

Конго Демократик Республикаси Африка қитъасининг марказий қисмида жойлашган давлат бўлиб, унинг шимоли-ғарбида Марказий Африка, шимолида Судан, шарқида Танганика ва Уганда, жанубида эса Родезия ва Ангола билан чегарадош.

Майдони 2 миллион 345 минг квадрат километр, яъни Бельгия территориясидан 77 марта катта. Аҳолиси 13,6 миллион киши. Мамлакатда 100 минга яқин европаликлар яшайди. Аҳоли банту, балуба, баконго, бангала, балунда, барунда, монга ва бошқа қабилалардан ташкил топган. Аҳолининг кўпчилиги банту тилида гаплашади.

Конго территорияси яланг пастгекисликлар, ясси тоғликлар, айрим жойлари чўл-биёбонлар, ўрмонзорлар ва водийлардан иборат. Ўрмонларида ғоят қимматбаҳо дарахтлар ўсади. Конго дарёси дунёдаги энг қудратли дарёлардан бири. Дунёдаги барча дарёларнинг гидроэнергетика ресурси 500 миллион киловатт бўлса, битта Конго дарёсининг гидроэнергетика ресурси 103 миллион киловаттни ташкил қилади.

Европаликлар Конго дарёси ҳавзасидаги территорияларга XIX асрнинг 40—70 йилларида босиб кела бошладилар. 1882 йилда Бельгия мустамлакачилари Конгони босиб олдилар. 1885 йилда «соҳта Конго давлати» ташкил топди. Босқинчилар Конгони талади-лар. Аҳолини аёвсиз равишда эксплуатация қилиб, 70 йил давомида тутқунлик ва азоб-уқубатда яшашга мажбур қилдилар.

Ўша давр маълумотларига кўра, 100 минг киши ғил. 280 минг киши мохов касалига мубтало, фақат безгакнинг ўзидан йилига ўн минглаб африкалик нобуд бўлган. Янги тугилган гўдакларнинг 40 проценти ёшига етар-етмас ҳаётдан кўз юмарди, болаларнинг 60 процентдан кўпроғи эса 15 ёшга ҳам бормай очлик, касалликдан ўларди. Мамлакатда врач ва касалхоналар, дори-дармонлар мутлақо етишмас ди. Аҳолининг 95 проценти ўқиш ва ёзишни билмасди. Босқинчилар мамлакатни талаш билан бирга халқини қирғин қилдилар. Натижада, 1884—1914 йиллар ичида Конго халқи 30 миллион кишидан 15 миллион кишига камайди.

Конго халқи асоратда, эзғинликда яшашни истамади. У босқинчиларга қарши бош кўтарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда. Осиё ва Африкада авж олган миллий — озодлик кураши Конго халқини янада рухлантириб юборди. Конгода революцион ҳаракат кучая борди. Бундан ваҳимага тушган Бельгия ҳукмронлари Конгога мустақиллик берамиз, деб ваъда қилишга мажбур бўлдилар.

Натижада, 1960 йил 23 июнда Конго халқининг миллий қаҳрамони, машҳур сиёсий ва жамоат арбоби марҳум Патрис Лумумба бошчилигида миллий ҳукумат тузилди. 30 июнда эса Конго республикаси эълон қилинди. Бош министр Лумумба мустамлакачиликни кескин қоралаб, мамлакатда мустақил сиёсат юргизди. Бу сиёсат мустамлакачиларга ёқмади. Шундан кейин Америка, Англия, Франция ва Бельгия империалистлари ўзаро тил бириктириб, Конго халқига қарши фитна уюштирдилар. Катанга ва бошқа вилоятларда исёнчи сотқинлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Мамлакатга Бельгия қўшинлари бостириб кирди. Лекин Конго халқи бўш келмади. Лумумба бошлиқ ҳукумат мустамлакачиларга қарши курашни давом эттирди. Бундан ғазабланган мустамлакачилар Патрис Лумумба ва унинг сафдошларини хоинларча ўлдирдилар. Қотиллар фитнаси эрксевар инсониятни ғазабга келтирди. Жаҳондаги барча софдил кишилар Конгода тинчлик ўрнатишни, хоинларни жавобгарликка тортишни, Бельгия қўшинларининг Конгодан чиқиб кетишларини талаб қилдилар.

Конго аграр мамлакат бўлиб, хўжалигида кофе, какао, ер ёнғоғи, гуруч, маккажўхори, маньок ва бошқа экинлар етиштирилади. Саноатининг асосий тармоғи кончиликдир. Маълумки, Конго табиий русурсларга жуда бой. Мамлакат уран ва кобальт қазиб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринда туради. Шунингдек, ғмос, олтин, мис, кўрғошин, рух, радий ва кадъмий каби металлар запаси беҳисоб.

Ҳозирги кунларда Конго Демократик Республикаси олдида турган вазифалардан энг муҳими мамлакат экономикасини ривожлантириш, халқ хўжалигини планли равишда ташкил қилиш, мустамлакачилик асоратларини тугатиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан иборатдир. Ҳукумат ўтган ўн йил ичида қатор ҳаётий тадбирларни амалга оширди. Мамлакатда маориф ва медицина шохобчаларини кенгайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалигидан келадиган даромадларда: тўлиқ фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқди. Бунинг учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ишини ҳам бирмунча йўлга қўйди. Чунончи, конголик ёшлардан бир нечаси Совет Иттифоқида, шу жумладан, Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар.

Конго Демократик Республикаси ўтган ўн йил давомида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакат экономикаси ҳамда саноатини ривожлантириш ҳамда жаҳонда тинчликни сақлаш учун тинмай ҳаракат қилиб келди ва бундан кейин ҳам шу йўлдан боради. Эрксевар Конго халқининг бу ишида Совет Иттифоқи бошлиқ барча социалистик мамлакатлар ҳайрихоҳдирлар.

И. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шарқшунослик институтининг илмий ходими.

ҚОТИЛЛАР ТОБОРА КЎП ТАЛАФОТ КЎРМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, 29 июнь. (ТАСС). ВНА агентлиги Озодлик матбуот агентлигига асосланиб берган хабарида айтилишича, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка—Сайгон қўшинларига қарши муваффақиятли равишда жанговар ҳаракатларни давом эттирмоқдалар. Масалан, халқ озодлик қуролли кучларининг Меконг дарёси қуйи оқимининг Ғарбий қисмида ҳаракат қилаётган отрядлари май ойида ва июнь ойининг биринчи ярмида душманга бир неча бор зарба бериб, унинг 14.100 дан ортиқ солдатини сафдан чиқардилар. Бундан ташқари улар душманнинг саксонта самолёти ва вертолётини уриб тушардилар ва ерда турган жойининг ўзида яксон қилдилар, 33 та ҳарбий кемасини ғарқ қилдилар ва ёндириб юбордилар, 40 тадан ортиқ ҳарбий автомашинасини, 20 та гаубица ва оғир миномётларини мажақлаб ташладилар.



ВДР. Вьетнам Халқ Армиясининг жасур ракетачилари босқинчиларга қарши қаҳрамонона жанг олиб бормоқдалар. Яқин қишлоқдаги аҳоли тез-тез жангчилар ҳузурига меҳмон бўлиб келиб туришади. Улар кўчатлар ўтқазишади, қишлоқдаги меҳнат ҳақида ҳикоя қилиб беришади.

Суратда: Н—ракета қисмида кўчат ўтқазиш пайти.

В. СОБОЛЕВ фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИ

ҚОҲИРА, 29 июнь. (ТАСС). Фаластиндаги «Фатх» ташкилотининг партизанлари Иордан дарёси водийсида ва Юқори Галилейда Исроил босқинчиларига қарши бир неча муваффақиятли операция ўтказдилар.

Бирлашган Фаластин қўмондонлигининг МЕН агентлиги тарқатган ахборотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: кеча партизанлар Исроилнинг ана шу районлардаги бир қанча ҳарбийлаштирилган манзилгоҳларини ўққа тутганлар ва уларга қарата ракеталар отганлар.

«Фатх» ташкилотининг жангчилари Юқори Галилейда Исроилнинг патрулига ҳужум қилганлар. Ҳужум натижасида душман солдатларидан анчаси ўлдирилган.

Спорт

СПАРТАКИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон шаҳарлари V спартакиадаси мусобақалари якунланди.

Спартакиаданинг финал қисмида икки ярим мингдан ортиқ йигит-қиз қатнашиб, спортнинг ўн тўрт тури бўйича куч синашди. Улар республикамизнинг 26 шаҳри вакиллари эди. Бу оммавий мусобақаларда саккиз киши СССР спорт мастери нормасини биринчи марта бажарди.

Шаҳарлар спартакиадаси финали олдидан корхоналар, муассасалар, районларда оммавий мусобақалар бўлди. Бу мусобақалар стартига 300 мингга яқин спортчи чиқди.

Мусобақа тўрт группада ўтказилди. Энг кучлилар киритилган биринчи группада Тошкентнинг биринчи командаси ғолиб чиқди. Бу команда 252 очко олди. Иккинчи ўринни олган Тошкентнинг иккинчи командаси 228 очко тўплади. Спартакиадада Чирчиқ шаҳрининг терма коллективлари айниқса катта муваффақиятга эришди. Бу шаҳар командаси биринчи бор кучлилар сафида қатнашиб, учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди (226 очко).

Иккинчи группа бўйича Қўқон шаҳар спортчилари ғолиб чиқдилар. Бу команда андижонликлар ўрнига келаси спартакиадада биринчи группада қатнашиш ҳуқуқини олди.

Учинчи группада ўринлар қуйидагича тақсимланди: Марғилоя шаҳар командаси—биринчи. Нукус—иккинчи ва Ангрен—учинчи.

Тўртинчи группада Ленинск спортчилари ғолиб чиқдилар.

1-3-ўринларни эгаллаган коллективларга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг кўчма мукофотлари, эсдалик вимпеллари ва дипломлари топширилди.

П. КОНОВАЛОВ,
спартакиаданинг бош секретари.

ШАШКАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Самарқанд шаҳрида халқаро ва рус шашкаси бўйича ёшлар ўртасида республика учинчи шахсий-команда мусобақалари бошланди. Ҳар бир командада учтадан спортчи бор.

Ўтган йилги чемпионлар — самарқандликлар билан бирга Тошкент, Андижон, Наманган ва бошқа областларнинг терма командалари биринчилик учун курашадилар. Бу мусобақалар натижасига кўра Ўзбекистон шарафини Бутуниттифоқ ёшлар мусобақаларида ҳимоя қиладиган терма команда тузилади.

Е. ЧЕРКАССКИЙ,
спорт мастери.

ЧЎҚҚИЛАРДАН ЧЎҚҚИЛАРГА

Қоялар... Юксакликда тенгсиз ҳисобланган бу қоялар доимо оппоқ муз билан қопланиб ётади. Уларнинг ичида айниқса биттаси ажралиб туради. Бир қарашда бу ерда ҳаётдан мутлако асар йўқдек туюлади. Ҳатто тоғлар узра ҳокимлик қилувчи бургутлар ҳам ана шу қояга кўтарилмайди. Сабаби тирик мавжудотнинг нафас олиши учун ҳаво етишмайди. Термометрнинг симоб устунчаси эса 0 даражадан баланд кўтарилмаган.

Кўҳна Помир тоғи багридан кўкка бўй чўзган ана шу қоянинг номи Коммунизм чўққисидир. Дарё сатҳидан 7495 метр баландликда бўлган чўққига 10 йиллар давомида бор-йўғи 200 дан ортиқ кишигина кўтарилди, холос. Бу ҳам фақат совет даврида рўй берди. Довюрак альпчиларимиз ана шу чўққига кўтариладиган мавжуд 9 йўналиш бўйича уни забт этдилар.

Бундан 40 йил муқаддам эса булутлардан баланд чўққига кўтарилиш ўқда турсин, ҳатто унинг ўзи ҳам географлар олдида муаммо бўлиб турарди. Албатта, айрим сайёҳлар ўтган асрда ҳам чўққига чиқишга озми-кўпми уринib кўрганлар. Аммо олдинда учрайдиган қийинчилик ва ойнадек силлиқ музликлар уларнинг йўлига тов бўлган. Рост, 1878 йилда В. Ф. Ошанин Олой воҳасидан 50 километр жанубий томонга кириб борib кейинчалик Алексей Федченко номи билан аталган музликни очган. XX аср бошларида ҳам Корженевский, Косиненко, Беляев каби географ ҳамда астрономлар ҳам ана шу чўққига кўтарилишга уринib кўрдилар. Лекин улар Федченко музлигидан Гармо музлигига ўтиб у ҳақда маълумот тўплаш билан чегараланишди.

Иллар ўтди. Қор кўчкиларининг гумбир-гумбири бир зум тинмайдиган чўққи атрофида инсон ожиздек бўлиб қолаверди. Биринчи марта ана шу баландликка кўтарилишга уринib кўрган сайёҳлар назарида номсиз чўққига бас келадиган бирон бир одам топилмасдек туюларди.

Лекин бундай довюрак инсон топилди. Унинг исми Евгений Абалаковдир. Ажойиб спортчи, мард альпчининг йўли ниҳоятда оғир ва машаққатли эди. У тоғлар кўриқчисидек юксакликка бўй чўзган олтита қоя бўйлаб шарқ тарафдан ўз кўтарилишини бошлади. Абалаков номсиз чўққига кўтарилиш учун ойлаб тайёргарлик кўрди. Керакли жиҳозлар билан қуролланди. Унинг машаққатли саёҳатида ерли аҳоли ичидан чиққан бир неча довюрак тожик йигитлари ҳамроҳлик қилди.

Лекин тоғлар довюрак сайёҳларга осонликча тиз чўкишни истамасди. Иккинчи қояга кўтарилишда тош кўчиб Абалаковнинг яқин дўсти Николаев тубсиз жарликка қулаб тушди. 4600-лагерда ўпкасини шамоллатиб Жонбой Эрали ҳам нобуд бўлди. Тожик-Помир экспедицияси бошлиғи Даниил Гушчин, ажойиб альпчи, боқс бўйича тренер Антон Цак ва бошқалар ҳам бирин-бирин ҳолдан тойиб, қолиб кетдилар.

Альпчиларимиз ўз олдиларига фақатгина мана шу ўжар чўққини забт этишни қўймаганлар. Улар 7-минг метрли баландликка ўзлари билан автоматик метеостанцияни олиб чиқишга муваффақ бўлдилар. Изгиринли шамол, аҳён-аҳёнда кўчиб келувчи тошлар улар ҳаётига хавф солса-да, илмий ишларини бир зум тўхтатмадилар. 7200 метрга кўтарилганда Абалаковнинг сўнгги йўлдоши Горбунов ҳам холдан тойди...

Ватанимизнинг энг юқори тепалигига саноқли метрлар қолган. Олдинда чўққи гумбази яқол кўзга ташланади. Очлик ва чарчоқдан дармонсизланган альпчининг бир қадам ташлашга ҳам қуввати етмайди. У бор кучини тўплаб, эмаклаганча тепаликка тирмашади. Шуни ҳам айтиш керакки, у барча машаққатларга қарамай, ёнидаги блокнотини чиқариб, совуқдан увишиб қолган бармоқлари билан чор атрофдаги қоялар панорамасини қоғозга туширди. Евгений фақат абжир альпчи бўлиб қолмай, ажойиб рассом ҳам эди. Сафар арафасида «оқ йўл» тилаб қолган географларнинг фикру-ҳаёли унга қаратилганини бир зум унутмаган эди. 1933 йилнинг 3 сентябрида Евгений Абалаков Совет Иттифоқининг энг баланд чўққисига омон-эсон кўтарилди.

Эндиликда Коммунизм чўққисига ҳар йили ўнлаб спортчилар кўтарилишади. Фақат республикамизнинг ўзидан 1958, 1959, 1965 йиллар мобайнида 24 киши чўққини забт этди. 1967 йилда эса москвалик бир группа альпчилар қатори «Ўзбекфильм» студияси ходими Георгий Петров ҳам чўққига кўтарилади. Бундан бир неча кун муқаддам эса у Ленин чўққисини забт этган эди.

Юбилей йилида яна бир группа альпчилар ана шу Помир чўққисига кўтарилишга аҳд қилдилар. Уларни республикада хизмат кўрсатган тренер, СССР спорт мастери Вадим Элчибеков бошлаб боради. Моҳир спортчи бундан аввал—1959 йилда ҳам Коммунизм чўққисига кўтарилган эди.

Мен республикамиз командаси капитанидан экспедиция аъзолари ҳақида сўрадим.

— Команда тажрибали альпчилардан ташкил топган. Лекин улар орасида жисмоний ва техник томондан яхши тайёргарлик кўрган ёшлар ҳам йўқ эмас,—деди у мамнун ҳолда.— Ўтган йили Ғалаба чўққисини забт этган составдан экспедицияда В. Воронин, Ҳамид Яхин, Анатолий Лябин, Зигур Люман, Владимир Уржунцев, Александр Путинцев, Владимир Денисов, Георгий Петров, Борис Блоштейнлар иштирок этадилар.

«Катта ер» билан Валерий Сидоренко алоқа боғлаб туради. У ўз ишининг устаси, биринчи класс радисти ва иккинчи разрядли альпчидир.

— Коммунизм чўққисига кўтарилишдан кўзлаган мақсадингиз?

— Мақсадимиз юксак. Аввало кўпчилик мастерлик ҳамда мастерликка номзод нормативларини бажаришади. Мастерларимиз халқаро мастерлар нормативини бажаришга яқинлашиб қолишади. Уч марта етти минг метрлик баландликка кўтарилганлар эса «Альпинист — высотник» нишони билан тақдирланади. Бундан ташқари мамлакат чемпионатида мукофотли ўринларни эгаллаш ниятидамиз. Буёғи бу галги сафар айрим аъзоларимизга саккиз минг метрдан баланд чўққига кўтарилиш имконини беради. Мақсадимиз республикамизнинг 50 йиллик юбилейи нишонланадиган кунда ер курраснинг энг баланд чўққиларидан ҳисобланган Нанга — Парбат (8125 метр) ёки Чогори (8611 метр) чўққисига экспедиция тайёрлашдир.

Г. КАЛИНИН,
СССР спорт мастери, альпинист

Газетамизнинг навбатдаги сони 3 июлда чиқади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

ШИРИНСУХАН АЁЛ

Инсоний меҳнат улуғлайди. Вера Хмирова ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, ширинсўзлиги билан элга танилди, ҳурмат-эътиборли бўлди.

1-«Оҳангарон» совхози алоқа бўлимининг бошлиги ҳузурига қай вақт кирманг, очиқ чеҳра, илтифот билан қабул қилади. Бирон юмушингиз бўлса, зумда адо этади. Посилка, хат, телеграммалар бу ерда бирон кун туриб қолмайди. Доимо ўз вақтида белгиланган адресга жўнатилади. Вера Яковлевнани ана шу хислатлари учун каттадан-кичик ҳурмат қилади.

А. АЙНАҚУЛОВ.

ЖОНКУЯР КИОСКАЧИ

Клавдия опанинг киоскаси қишлоқ марказида жойлашган. Қачон ва қайвақт бу ерга келманг, навбат кутиб турган газетхонларга кўзингиз тушади. Буниг боиси бор албатта. Чунки киоскадан 50 номдаги журнал, 22 номдаги газетанинг янги сонини харид қилиш мумкин.

Клавдия Павленко ўз касбига меҳр қўйганлардан. Мана 16 йилдан бери у киоскачилик қилмоқда. Клавдия опа ойлик, квартал планларини муттасил 130—150 процент ado этмоқда.

И. УРИНБОЕВ.
Эски Тошкент қишлоғи.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 — Кўрсатувлар программаси. 18.30—Телеэнгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.40—«Юлдузча». Тележурнал. 19.10—Янгра созим. Рубоб тароналари. 19.50—Телеэнгиликлар.

20.00дан —Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25—Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.30—Усмирлар учун. «Юз минг қаерда, қачон ва нима учун?». 19.10—«Ассалом, Сомали». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30—Ёш ижрочилар концерти.

Ўзбек тилида: 20.00—Реклама. 20.10—«Ўрмон чорлайди». Кинофильм. 20.30—«Беш йиллик — муддатидан илгари!». 20.50—«Сатурнга йўл». Бадиий фильмининг 1-серияси. 22.10—Мақом кечаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00—«Жами бир ҳаёт». Бадиий фильм. 21.35 — «XX аср Гомери». Ҳужжатли фильм. 21.50—«Ёзги ёмғир», «Баҳор ритмлари». Фильм-концерт.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/VIIда—Паранжи сирлари, 2/VII да—Гавҳари шамчироқ, 3/VIIда—Нурхон.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Яшасин севги — САНЪАТ САРОЙИ. НАВОИЙ номли. «СПУТНИК». «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч соат 7,40 минутда).

Елканлар бўлса... — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) «ЧАЙКА» (кеч соат 10 да).

Бир кун ва бир умр—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да).

Қора лола — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 10да).

ЭЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Фреди, биринчи ур!—«РАКЕТА».

Қора лола—ТЕЛЬМАН номли.

Елканлар бўлса... — «ФЕСТИВАЛЬ».

Яшасин севги —«ХИВА».

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 13-ҚУРИЛИШ БАШҚАРМАСИга

ғишт терувчилар, бетончилар, электр пайвандчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Янги ҳолда яшовчиларга ётоқхона, оилаликларга навбати билан турар-жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, кадрлар бўлими.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИГА (СОЮЗНИХИ)

катта бухгалтер-ревизорлар

КЕРАК

Тошкентда турувчи ходимлар институтга бориш учун махсус автобуслар билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Ориониккидзе райони, Оққовоқ поселкаси. (134-автобус билан «Баҳор» бекатидан борилади).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БОШҚАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ 2-МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИГА

гидравлик пресс ва шлифовка станоклари учун ишчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 102-уй, (1, 4, 15, 18-трамвайлар, 48-автобуснинг «Халқ хўжалиги институти» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ 1-ОБЛАСТЛАРАРО АВТОТРЕСТИГА

малия бўлимига бошлиқ, эксплуатация ва планлаштириш бўлимига бошлиқ, меҳнат ва иш ҳақи бўйича катта инженер, юк ташиш бўлимига инженер, ҳисобот бўйича техник, катта бухгалтер-ревизор, секретарь-машинистка, машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 67-уй. Телефон 33-03-43.

Тошкент область, Калинин район, XXI партия съезди совхоз дирекцияси, касаба союз ташкилоти шу совхознинг ходими Ш. Жалоловга онаси

Қумри

АЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—336495, Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916 Масъул секретарь — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан, маориф ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

Г. 1679. Р. 02644